

5

**ХАЛҚ
ИШОНЧИ –
ОЛИЙ БАҲО**



6

**АВИЗ ҲАМИОРТЛАР!
ЕЎНИН УЧРТАДАМ: КЎРА
УНИНГ ОЛАДИН ОЛАГАН АФЗАЛ**




ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

П О С Т Д А

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 25 ноябрь, шанба • 47(3681)-сон



«... Минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда илдиз отиб, Оллоҳ марҳамати ва неъмاتي, ўзининг отир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган – бу инсон ва шу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир. Биз ана шу эзгуғояни томирлари теран ва бақувват, ҳар қандай сурон ва тўфонларга бас келиб, енгилмасдан яшаб келаётган азамат ва қудратли халқимиз ҳаётининг негизи бўлмиш оддий ўзбек оиласи тимсолида ифода этишга интилдик».

Ислоом КАРИМОВ.

**ОИЛА –
ЭЛ-ЮРТ
ТАЯНЧИ**

ОБУНА – 2007



– БАРЧА
ПОСТЛАР
ДИҚҚАТИГА!
«ПОСТДА» ГАЗЕТАСИ-
ГА 2007 ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛ-
ЛИГИ УЧУН ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!
ҚАЙТАРАМАН...



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Постда» – 180 (366)
«На посту» – 169 (367)
«Qalqon» – 970 (1083)
«Щит» – 971 (1084)



ОБУНА – 2007

ИИБ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Ҳайъат мажлисида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товармоддий бойликларни олиб киришни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан қатор вилоятлар ИИБ раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Сўнг мажлис қатнашчиларига 25 октябрни республика ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами куни этиб белгилаш бўйича таклиф тайёрланганлиги маълум қилинди. 1991 йили айнан шу куни «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом» тасдиқланган эди. Шу сабабли ушбу ҳужжатни том маънода мустақил республикамиз ички ишлар идоралари ташкил топганлигининг энг асосий ҳуқуқий ҳужжати деб ҳисоблаш мумкинлиги эътироф этилди.

Мазкур касб байрами муносабати билан жойларда маданий тадбирлар ва учрашувлар ўтказилиб, уларда эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган шарафли ишларни тарғиб қилиш, ҳалок бўлган ходимлар хотирасини эслаб, уларнинг онла аъзоларини руҳан қўллаб-қувватлаш, иқтидорли, юқори касб маҳоратига эга ходимларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Сўзга чиққанлар байрам санасининг расман қонунийлаштирилиши мустақил давлатимиз ички ишлар идоралари ходимлари сафларининг янада жипслашишига, осойишталик посбонлари анъаналарининг сақланиши ва кўпайишига, ёш ходимларни тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлашди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Акрамжон Каттабоевич БОТИРОВ.

Акрамжон Каттабоевич Ботиров 1960 йил 3 июлда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университети, ИИБ Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультетини тамомлаган. Ички ишларда хизмати 1987 йили Фарғона вилояти ИИБ котибиятида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозимида бошлаган. 1988–1998 йилларда Фарғона шаҳар ИИБ терговчиси, Олтиариқ тумани ИИБ терговчиси, тергов бўлини маси бошлиғи, Фарғона шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2000–2006 йилларда Фарғона вилояти ИИБ Бағдод тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қирғули тумани ИИБ бошлиғи, Марғилон шаҳар ИИБ бошлиғи вазифаларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Рўзимат Алиевич АБДУЛЛАЕВ

Рўзимат Алиевич Абдуллаев 1959 йил 15 октябрда Фарғона вилояти Охунбобоев туманида туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1986 йил Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ИИБ милиционери вазифасида бошлаган. 1993–2005 йилларда Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, Марғилон шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2005–2006 йилларда Фарғона вилояти Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



ТАДБИРЛАР

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизимларида хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича янги, 2006–2007 ўқув йили бошланди. Республика Ички ишлар вазирининг ўқув гуруҳида ўтган дастлабки машғулотда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов сўзга чиқиб, шахсий таркиб билан хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўтказиладиган ўқув машғулотларида ходимларнинг ҳуқуқий, сиёсий-ижтимоий билим савиясини ошириш лозимлиги хусусида тўхталди.

КАДРЛАР ЗАХИРАСINI ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Шунингдек, улар томонидан амалдаги қонунларнинг ўрганилиши, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг фармон ва қарорлари, Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати йиғилиши қарорлари талабларини бажариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи, подполковник Б. Пулатов республика Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги захира рўйхатида киритилган раҳбар ходимларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳолати, хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича 2005–2006 ўқув йили якунлари тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолияти тўғрисидаги фармон ва қарорлари талабларини бажариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги таркибида ташкил этилган Олий академик курсларида раҳбар кадрлар тайёрлаш ишларининг самарасини ошириш, ўқув тарбия жараёнини амалиёт билан бирга уйғунлаштириб олиб боришга катта эътибор берилаяпти. Офицерлар, сержантлар ва сафдорлар таркиби лавозимларини тўлдириш мақсадида хизмат ва ўқишга номзодлар танлови ўтказилиб, Вазирлик олий таълим муассасаларида малакали офицер кадрларни тайёрлаш белгиланган дастур ва режалар асосида олиб борилапти.

Маълумки, республика ички ишлар идоралари ва тизимлари учун мутахассис

офицер кадрлар вазирлик тизимидаги учта олий таълим муассасаси — Академия, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида тайёрланапти. Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ва тизимларига раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида ИИБ Академияси таркибида бир йиллик Олий академик курслари, шунингдек, Академияда Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ҳам ташкил этилган. Тошкент, Самарқанд, Олмалиқ ва Фарғона шаҳарларида эса сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари фаолият юритмоқда.

Кадрлар захирасини яратишдан асосий мақсад — ички ишлар идоралари ва тизимларига юқори касб маҳорати тайёргарлигига эга раҳбар ходимларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни бўш лаво-

зимларга ўз вақтида тайинладан иборатдир. Шунинг учун ҳам захирада етук кадрларнинг тайёр туришига эришиш лозим бўлади. Бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ва замон талаби асосида олиб борилишига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Одатдагидек, 2006–2007 ўқув йилида ҳам жойларда хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулоти ўтказилади. Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари томонидан ўқув йили бошланиши муносабати билан буйруқ ва фармойишлар ишлаб чиқилди. Унда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув гуруҳлари, унинг раҳбарлари, ҳужжатлар бўйича иш юритувчи ходимлар ва масъул раҳбарлар белгиланган. Деярли барча хизмат соҳаларида машғулотларни ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган.

Шунингдек, ўқув машғулоти давомида раҳбар ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, шахсий таркибини хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги юзасидан ўқитиш ишлари самарасини ошириш борасида соҳавий хизмат раҳбарлари ролини кўтариш масалалари муҳокама этилди.

Машғулоти сўнггида кадрлар захирасини яратиш, рўйхатга киритилган ходимларни ўқитиш ва тайинланиши мўлжалланаётган лавозимларда уларнинг амалий иш ўрганиш жараёнини ташкил этиш, шахсий таркибининг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш учун барча имкониятлар ишга солиниши таъкидланди.

Республика Ички ишлар вазирининг ўқув гуруҳида бўлиб ўтган навбатдаги машғулоти республика ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекциясини қайта ташкил этишга бағишланди. Иштирокчилар ходимлар ўртасида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, улар фаолиятида ҳар қандай қоидабузарликларга йўл қўймасликка қаратилган ушбу масаланинг мақсад ва вазифалари билан таништирилди.

Ўз мухбиримиз.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Қадимий ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳрида республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси ташаббуси билан ИИБ тизимида, айниқса, жазони ижро этиш муассасаларида сил ва ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касалликларининг олдини олишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник А. Аминов кичириш сўзи билан очиб, йиғилганларга вазирлик раҳбариятининг тилаklarини ўқиб эшиттирди. Ушбу нуфузли тадбирда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси бошлиғи Мишель Таяд ва ваколатхонанинг сил касаллиги бўйича мутахассиси Г. Цогт, Халқаро Қизил Хоч жамиятининг Марказий Осиёдаги вакили Жилябер Оливье, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС бўйича Ўзбекистондаги эксперти М. Султонов ҳамда бир қанча нодавлат жамиятларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Сил ва ОИТС касалликларининг профилактикаси, ушбу йўналишдаги мавжуд бўлган долзарб масалалар ва тиббиёт ходимларининг вазифалари атрофида муҳокама қилинган бу анжуманга Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, «UNODC», «Project Hope» ташкилотлари, «Ratiopharm», «Lek» фармацевтик фирмалари, «Шарқ-Ғарб» ОИТС фонди ҳамийлик қилди.

Т. Тўраев,
подполковник.

КОМПЬЮТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда Жиззах вилояти Фориш туманида фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган. Шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилаётган профилактик тадбирлар натижасида жиноятлар тобора камайишига эришилмоқда.

Туман ҳокимлиги мазкур масканларни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратапти. Яқинда туман ИИБда бўлиб ўтган тадбирда ҳокимлик томонидан профилактика инспекторларига 7 та компьютер жамламаси топширилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ,
капитан.



ХИЗМАТЛАРДА

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳамда унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан хайрли ишлар амалга ошириб келинаёпти. Бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Раҳимжон Аширматов тизим фаолияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

- Бош бошқарма ҳамда унинг қуйи тизимлари томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талаблари асосида

кўчалар ва бошқа жамоат жойлари, шунингдек, оммавий томоша тadbирлари ўтказиладиган объектларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтказиладиган кунлик ва мақсадли профилактик тadbирларда самарадорликни юксалтириш, тезкор вазият таҳлили асосида куч ва техник воситаларни тақсимлаш, хизматга чиқаётган ходимлар ҳар қандай вазиятда тўғри ҳаракатлана олишларини таъминлаш, шахсий таркибнинг касбий жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, хизматни самарали ташкил этиш ҳамда назорат қилишга катта эътибор қаратилаёпти. ППХ саф бўлиналари ходимлари билан ижтимоий-сиёсий ўқиш, хизмат жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулоти юқори савияда ўтказилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, экстремал вазиятларда тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш усуллари ўргатилмоқда.

Хизмат олди йўриқномаларида шахсий таркибга қидирувдаги жиноятчилар ва диний экстремистик оқим аъзолари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг суратлари тушурилган бюллетенлар тарқатилаёпти. Ана шундай шахслар аҳоли гажум жойларда аниқланганда, фуқароларнинг ва шахсий хавфсизликни таъминлаган

ҳолда уларни ушлаш ҳамда зарарсизлантириш тартиби билан таништириб борилмоқда.

Жиноятчи ёки ҳуқуқбузарни тутиш, тартибга чақириш учун ходим ҳар томонлама тайёр бўлиши лозим. Шундагина уларга қарши бора олади. Бунинг учун ходимларимиз доимий равишда жанговар тайёр-

ИИВнинг барча соҳавий хизматларининг тактик-қўмондонлик ва амалий-ўқув машғулоти ўтказилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ППХ саф бўлиналари ходимлари уч босқичда пиёда ҳамда автопатруллик йўналишларида бошқа соҳа вакиллари ва «Маҳалла посбон-

нологларига бириктирилган хизмат итлари ёрдамида қарийб 12 кг гиёҳвандлик моддалари олинди.

Халқимизнинг мулки ҳисобланган қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларни республикамиздан ташқарига ноқонуний олиб чиқишининг олдини олиш юзасидан ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

Айрим сохта тadbиркорларнинг ана шундай кирдикорлари 204 ҳолатда фош этилиб, 20 нафардан

ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, Нукус шаҳар «Жанубий» шох бекатидан тўртқўллик К. Алишер икки қоп латун рангли металл сотиш мақсадида олиб кетаётганида ППХ батальони 2-отряди милиционери, кичик сержант Б. Узаков томонидан ушланди.

Энг муҳими, шахсий таркибнинг интизом ва қонунчиликка риоя этишини таъминлаш, яқка ва жамоатчилик тартибдаги тарбиявий ишларни жадаллаштириш, хизматни вазифаларига масъулият билан ёндашаётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилётгани туфайли ана шундай кўрсаткичларга эришяпмиз.

Қобилжон ШОКИРОВ
ёзиб олди.

ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

гарлик машғулоти билан шуғулланиб туришлари керак. Бу борада ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Бухоро вилояти ИИБ ППХ батальони базасида ИИВ-ИИББ-ИИБлар соҳавий хизмат бошлиқлари, ППХ ва жанговар ҳаракатдаги саф бўлиналари сардорлари иштирокидаги семинар-кеңаш, Қашқадарё вилояти ИИБда оммавий тadbирларни ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминладиган махсус батальон (отряд)лар ходимлари ўртасида «Макаров» тўппончаси ва «Драгунов» снайпер винтовкасида амалий ўқ отиш бўйича республика мусобақаси уюштирилгани фикримизга далилдир. Бундан ташқари, белгиланган дастур асосида Тошкент шаҳрида

«Тузилмалари билан ҳамкорликда хизмат олиб боришмоқда. Амалга оширилаётган чора-tadbирлар натижасида республика миқёсида йилнинг ўтган даврида жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 0,8 фоизга камайишига эришилди. Хусусан, ППХ ходимлари хизмат олиб бориши белгиланган жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 3,7, кўчаларда эса 0,5 фоизга камайди. Кўрилган чоралар натижасида патруль-пост нарядлари томонидан 13 мингдан ортиқ, ППХ саф бўлиналари нарядлари иштирокида 7 мингдан зиёд жиноятлар фош этилди. Қидирувда юрган ва бедарак йўқолган шахслар аниқланди. Шунингдек, ППХ бўлиналари милиционер-ки-

дан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, Нукус шаҳар «Жанубий» шох бекатидан тўртқўллик К. Алишер икки қоп латун рангли металл сотиш мақсадида олиб кетаётганида ППХ батальони 2-отряди милиционери, кичик сержант Б. Узаков томонидан ушланди.

БУНЁДКОРЛИК

ИСТИҚЛОЛНИНГ
ЯНА БИР АЖОЙИБ
ТУҲФАСИ

Дарҳақиқат, Қарши шаҳрининг марказида бунёд этилган «Эл-юрт таянчи» монументи мамлакатимиз истиқлолининг яна бир шонли меваси бўлди, дея баралла айта оламиз.

Қадимий шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейи арафасида ушбу монумент мамлакатимиз Президенти иштирокида тантанали суратда очилди. Очилиш маросимида юртбошимиз нутқ сўзлар экан, жумладан шундай дедилар: «...Минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда илдиз отиб, Оллоҳнинг марҳамати ва неъматини, ўзининг

оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган — бу инсон, шу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир. Биз ана шу эзгу ғояни томирлари теран ва бақувват, ҳар қандай сурон ва тўфонларга бас келиб, енгилмасдан яшаб келаётган азамат ва қудратли халқимиз ҳаётининг негизи бўлмиш оддий ўзбек оиласи тимсолида ифо-

да этишга интилдик. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳаётнинг оғир юкни ўз елкасида кўтариб келаётган, ҳаёт боқийлигини таъминладиган инсонлар сиймосини мужассам этган мана шу гўзал баалийи обидани айнан шу тарихи дунёга келди».

Бугунги кунда Ушбу ёдгорлик мажмуи Қашқадарё аҳли ва унинг меҳмонлари учун зиёратгоҳ масканга айланган. Юзлаб ташриф буюрувчилар ҳаёт гардишига менгзалган тегирмон тоши узра бир-бирини суяб, бир-бирига мададор бўлиб, оила деган муқаллас даргоҳни шарафлаб келаётган оддий ўзбек оиласининг рамзий тимсолидан баҳраманд бўлмоқдалар ва она диёримизга, меҳнаткаш халқимизга нисбатан эҳтиромлари ошмоқда.

Осойишталик посбонлари эса ушбу гўзал обидани зиёрат этишга келувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда муносиб хизмат кўрсатаётганликлари учун эл олқисини олмоқдалар.

Ўроз ҲАЙДАРОВ.

ДИҚҚАТ: ТЕМИР ИҮЛ КЕСИШМАСИ!

ПОЕЗД АВТОМОБИЛЬ ЭМАС

Темир йўли мамлакат иқтисодиётининг қон томига қийслаш мумкин. Улар юк ташиш, йўловчиларни бир манзилдан иккинчисига элтишда тез, қулай ва беҳавотирлиги билан бирга арзонлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ҳаётида катта ўрин тутган темир йўлларда хавфсизликни таъминлаш соҳа ходимларининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Вилоятимиздаги 60 километрдан ортиқ шаҳарлараро темир йўлнинг асосий қисми аҳоли яшаш жойларидан кесиб ўтган. Ана шу манзиллардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаблар ҳамда коллежларда мунтазам учрашувлар уюштирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тadbирлар чоғида темир йўлларда юрмаслик, чорва молларини боқмаслик, болаларнинг ўйнашига изн бермаслик, фақат белгиланган жойлардан ўтиш, огоҳлантирувчи чироқлар ёки ташвиш сигналли ишлаётганда ҳаракатдан тўхтаб туриш, чироқлар ва бошқа алоқа воситаларига шикаст етказмаслик лозимлиги, бунга риоя қилмаслик мудҳиш оқибатларга олиб келиши мисоллар орқали кўрсатиб берилаеттир.

Шу йил 1 февраль куни «Наманган—Чортоқ» йўлининг 95-чақиримида Наманган шаҳрида яшовчи Н. Дадахоновнинг эҳтиёсизлиги оқибатида поезд уриб юборди. Тегишли ёрдам кўрсатилиб, шифохонага ётқи-

зилса-да, олган жароҳати туфайли ўзига келмай, вафот этди. «Чуст—Поп» йўлининг 53-чақиримида юз берган фалокат ҳам аянчли бўлди. 50 ёшли М. Ҳамидов поезд уриб юбориши натижасида ҳаётдан кўз юмди. Тўрақўрғон туманида яшовчи К. Султонов эса тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Наҳотки фуқароларимиз поезд автомобиль эмаслиги, уни бирданга тўхтаб бўлмаслигини тушунишмаса?

Темир йўлларда халқ ва давлат мулкига кўз олайтираётган шахслар учраётгани ҳам ачинарлидир. Яқинда жиноят ишлари бўйича Поп туман суди томонидан Халқобод шаҳарчасида яшовчи Ш. Холдоров ва Ф. Дехқоновларнинг қилмиши юзасидан ҳукм ўқилди. Халқобод шохбекатида вагондан 210 литр газоконденсатни ўғирлаб кетаётганда қўлга олинган бу шахслар қонуний жазо олдилар.

Темир йўллар хавфли ҳудуд эканини ҳар биримиз ёдда тутиб, фарзандларимиз, атрофимиздагиларни ҳушёрликка чақирайлик. Ўтиш жойларидаги огоҳлантирувчи белгилар, бошқа воситаларга эътибор берайлик. Шундагина юқоридаги каби аянчли ҳодисаларнинг олдини олиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳасанбой ТОШМАТОВ,
лейтенант.



Суратда: ёдгорлик мажмуи каттаю кичикнинг сеvimли масканига айланган.

«Гулистон» мунтазам ИПХ маскани Гулистон шаҳри ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган «Тошкент-Душанбе» автомобиль йўлида жойлашган. Автомобиль йўли орқали ҳаракатланаётган, шунингдек, Қозғистон, Тожикистон Республикаларидан кириб-чиқиб кетаётган транспорт воситалари мазкур маскан орқали назорат қилинаёпти. Бир кеча-кундуз давомида бир неча минглаб транспорт воситалари Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ алоҳида ИПХ отряди сафарбарлик гуруҳи ходимлари эътиборида бўлади.

Масканда хизмат вазифасини ўтаётган ИПХ инспектор-кинологлари ўзлари га бириктирилган хизмат итлари ёрдамида ўқ отар қурол

МАСКАНДАГИ ҲУШЁРЛИК

ва гиёҳвандлик моддалари олиб ўтилишига қарши мустаҳкам ғов қўйишган. Сафарбарлик гуруҳи аъзолари, айниқса, республикамизга ноқонуний равишда кириб келаётган ва олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликларни ушлаб қолишга алоҳида эътибор беришяпти. Жумладан, ИПХ катта инспектори, капитан Ш. Эрматов ва ИПХ инспектор-кинолог, сержант И. Жўраевлар ИПХ масканида К. Муродқул бошқарувидаги «ЗИЛ-130» русумли автомобилни тўхтаб текши-

ришганда юқонасида Жиззах вилояти Дўстлик туманилик Н. Гулнара, Ю. Патхилла ва С. Раҳматуллолар 870 минг сўмлик 6 тонна селитра минерал ўғитини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетишяётгани маълум бўлди.

Сафарбарлик гуруҳи аъзолари йўллардаги ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, қонунбузарликларга чек қўйиш мақсадида ҳушёрликни янада оширмоқдалар.

Муҳаммаджон ЯНДАШЕВ,
сержант.

СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ САБОК ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биринчи навбатда мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишга эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда қурилаётган жамиятнинг мазмун моҳияти очиқ берилди. Бу борада Президентимиз қуйидагича таъриф берди:

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, тили, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».

Шунингдек, Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамиятининг қуйидаги муҳим жиҳатларини изоҳлаб берди: «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади».

Фуқаролик жамияти тушунчасига фалсафий, сиёсий ҳамда юридик жиҳатдан ёндашувлар ҳам мавжуд. Юридик нуқтаи назардан таъриф берадиган бўлсак, фуқаролик жамияти — бу ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий таъйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистонда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Юқорида Президентимиз томонидан илгари сурилган фуқаролик жамияти тўғрисидаги

ғоялар конституциямизда ҳам ўз аксини топди. Умуман олганда конституциямизда белгиланган фуқаролик жамияти қуришнинг назарий-конституциявий асосларини уч йўналишга бўлишимиз мумкин. Булар: иқтисодий, сиёсий, маънавий асослардир.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари конституциямизнинг 53-моддасида белгиланган бўлиб, уларга: иқтисодиё-

маънавий асосларини эса конституциянинг ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги (12-модда); ҳар кимнинг ўз шаъни ва дахлсизлигига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи (27-модда); фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги (29-модда); виждон эркинлиги (31-модда) нормалари ташкил этади.

Юқорида кўрсатилган

конституциявий белги ва хусусиятларини кўрсатишимиз мумкин:

1) жамиятнинг мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳияти хусусий мулкчилик орқали белгиланиши;

2) хусусий мулкнинг барча мулк шакллари қаторида ривожланиши ва уни муҳофаза қилишда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида роль ўйнаши;

қилиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ҳамда ушбу масалани ҳал қилишда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги Қарорини кўрсатишимиз мумкин.

Ушбу қарорда фуқаролик жамиятини янада эркинлаштириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар, ислоҳ қили-

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

тининг хилма-хиллиги, яъни иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши; давлатдаги барча мулк шакллари тент ҳуқуқчилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши; мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши киради.

Халқнинг давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ва давлат ҳокимияти Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар асосида ваколат берилган идоралар томонидангина амалга оширилиши (7-модда); жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши (9-модда); давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши (11-модда); ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил сиёсий институтлар билан ривожланиши (12-модда); демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда); конституция ва қонун устуворлигининг эътироф этилиши (15-модда); барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги (18-модда) нормалари Фуқаролик жамиятининг сиёсий асосларидир.

Фуқаролик жамиятининг

нормалар фуқаролик жамиятини шакллантиришда умумий тамойил сифатида амал қилади ва ушбу нормаларнинг амалга оширилиши механизми

3) жамиятда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжуд бўлиши;

4) фуқароларнинг юридик жиҳатдан қонун олдида тенглигининг эътироф этилиши ҳамда давлат томонидан кафолатланиши;

5) шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

6) давлат, давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга фуқаролар билан тенг ҳуқуқли субъект сифатида киришиши;

7) жамиятда кўппартиявийликнинг амал қилиши;

8) шахснинг шахсий ҳаёти ва иқтисодий

фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланганлиги;

9) жамият сиёсий ҳаётида сиёсий институтлар ва фикрлар хилма-хиллигининг амал қилиши;

10) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталиги;

11) жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган, бошқа ҳокимият тармоқларига бўйсунмайдиган адолатли суд ҳокимиятининг амал қилиши.

Ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва уни янада ислоҳ

ниши лозим бўлган соҳалар кўрсатиб берилди. Айни пайтда 2006 йил 8 ноябрда қабул қилинган ҳамда 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 103-модданин 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари лойиҳалари фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлди.

Демак юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, фуқаролик жамияти бу — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, жамиятда конституция ва қонун устуворлигини эътироф этувчи, уларга нисбатан ҳурмат муҳити шакллантирилган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз тан олинадиган ҳамда таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир. Уни барпо этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Улуғбек АЛОЕВ,
Дурдона НАЗАРОВА.



махсус қонунлар орқали тартибга солинади. Бунга Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари мисол бўла олади.

Умуман олганда юқоридаги конституциявий тамойилларга ҳамда қонунларнинг умумий мазмунига асосланган ҳолда фуқаролик жамиятининг қуйидаги

ЎДНОМА

Ички ишлар идораларида хизматининг машаққати, заҳматини унда ишлаган билади, албатта. Бу соҳада ишлаш Холмаҳамат Акбарович Зокиров учун ота касб эди. Акбар ота Янгийўл тумани ИИБда участка инспектори бўлиб ишлаб, халқ орасида танилган ўша кезларидаёқ Холмаҳамат ота изидан боришга қатъий қарор қилганди.

Унинг ички ишлар идораларидаги фаолияти 1976 йил Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ (ДАН)да бошланган. Шундан сўнгги йигирма олти йиллик сермахсул ва сермазмун умрини мазкур соҳани ривожлантириш, такомиллаштиришга бағишлади.

Бошидаюқ унга масъулиятли вазифа — Катта ўзбек трактида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш юклатилганди. Ҳаракат гавжум йўлда яхши иш кўрсаткичларига эришган Холмаҳамат раҳбарият назаридан четда қолмади. Кўп ўтмай унга дивизион командирлигига ишонч билдирилди. Ходимлар ўртасида ишни тўғри тақсимлагани, ҳайдовчи ва оддий фуқаролар билан хушмуомалалиги, қондабузарларга нисбатан муроасасизлиги, ҳалол ва халқпарварлиги боис, аввал пойтахт вилоят ИИБ ДАНБ бўлим бошлиғи, кейин эса бошлиқ ўринбосари лавозимларига тавсия этилди.

Х. Зокировнинг юртимиз йўлларини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз қатновини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларни камайтириш, шу билан бирга ходимлар ўртасида қонунчиликни мустақамлаш бўйича

ЮРТ КОРИГА ЯРАГАН УМР

олиб бораётган ишлари республика ИИБ раҳбарияти эътиборига тушди. Унга пойтахтимиз автомобиль йўллари ишониб топширилди. Оралдан узоқ вақт ўтмай, республика ИИБ ЙХХББ бошлиғи этиб тайинланди.

Маълумки, мустақилликка эришган Ўзбекистонга нуфузли меҳмонларнинг ташрифи кўпайди. Уларни муносиб кутиб олиш, хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, кузатувини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундаги камчиликлар сезиларли даражада эди. Х. Зокиров Японияга бориб, олий мартабали меҳмонлар кузатувини ташкил этиш учун энг замонавий, ихчам ҳамда қулай «Хонда» мотоциклларини харид қилишга бош-қош бўлди. Мотоцикл ҳайдовчиларини ўзи танлаб, ўтилаётган машғулотларни шахсан кузатиб, хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-

ларини кўрди. Россия Президентлари Б. Ельцин, В. Путин, Туркия бош вазири ва бошқа давлат арбобларининг мақтовига сазовор бўлган бугунги эскорт Х. Зокировнинг тинимсиз меҳнатлари маҳсули десак муболага бўлмайди.

довчи, йўловчиларни иссиқ жой билан таъминлаш, ҳаракатни йўлга қўйиш чораларини кўрди.

Х. Зокиров ИИБ ЙХХББ даги фаолияти даврида автотранспорт воситалари, йўл-транспорт ҳодисаларининг ягона маълумот тизимини яратиш, хизматни тўлиқ компьютерлаштиришга катта эътибор бер-

ганларни ноумид қайтармади.

«Ҳамма жойда ишинг билан, ҳалоллигинг билан қадр топасан. Мансабга берилиб, фақир бечораларни унутма!» дердилар Акбар ота. Холмаҳамат ака бутун меҳнат фаолияти давомида отанинг бу сўзларига амал қилди.

— Ишонасизми, тирикчилиги машина билан, аммо қоида бузгани тўғрисида жарима майдонига олиб қўйилган, жарима тўлашга пули бўлмаган одамларга ўз ёнидан тўлаб, ҳожатини чиқарган ҳоллари кўп бўлган, — дея хотирлайди полковник А. Иноятов. — У киши қилган яхшиликларни айтиб адо этиш қийин. Маҳалласида бекорчиликда тентираб, ота-онасини куйдириб юрган қанча йигитларни ишга жойлаштирган. Ҳайдовчиликка ўқитиб, касбга йўллаган. Билимли, шижоатли ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар.

Акбар ота ва Турсунжон аяларнинг дуосини олган Холмаҳамат ака ҳаётда ҳам, ишда ҳам кўп мартабалага эришди. Хизмат фаолиятини ЙХХБ (ДАН) ходимлигидан бошлаб, Ички ишлар вазири ўринбосари лавозимига қўтарилди. Умрининг сўнгги давларида ИИБ Академияси бошлиғи лавозимида хизмат қилди.

Полковник Х. Зокировни 2005 йилнинг ноябрида узоқ давом этган касаллик бевақт сафимиздан олиб кетди. Бироқ бугунги кунда унинг хайрли ишларини фарзандлари ва шогирдлари давом эттирмақдалар.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА,
майор.



ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ОЛИЙ БАҲО

«Агар раҳбар мавжуд аҳволдан, ўз ишининг натижасидан мамнун бўлиб, бизларга бўлаверди, деб ёнбошлаб ётаверса, бундай ҳолатдан, энг аввало, ким зарар кўради — шу ерда яшайётган одамлар. Шу боисдан масъул вазифага сайланган шахслар бошқаларга нисбатан ҳаётни чуқурроқ англаши, узоқни кўриши, фақат бир кунлик иш билан эмас, балки эртанги куннинг режа ва ташвишлари, муаммолари билан яшаши ва уларнинг ечимини устида тинимсиз меҳнат қилиши шарт».

Ислом КАРИМОВ.

Юрт тинчлиги ҳар бир хонадон, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар осойишталигига боғлиқ. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари лавозимида ички ишлар идораларида кўп йиллар ишлаб, тажриба орттирган, айна пайтда нафақада бўлган кишилар сайланаётгани катта аҳамият касб этапти. Бугунги кунда тўрт юз нафарга яқин фахрийларимиз ана шундай масъулиятли вазибаларни бажариб келишяпти. Уларнинг фидойилиги, қонунбузарларга мурасасизлиги, бегараз ёрдам қўлини чўзиши, ўзгалар ташвишига бефарқ эмаслиги фуқаролар йиғинлари бошқарувида жуда қўл келаяпти.

Фарғона шаҳар «Жўйдан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги майор Иброҳим Абдумухторов, Наманган шаҳар Сўфизода номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги май-

ор Абдулла Жаъфархўжаев, Навоий шаҳар «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги подполковник Анор Шероф, Андижон шаҳар «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги подполковник Авазбек Мирзаев ва бошқалар ўз ҳудудларида маҳалла ободончилиги, озодчилиги, фуқаролар, оилалар тинч-тотувлигини таъминлаш билан бирга жиноятчиликнинг ол-

дини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, воёга етмаганлар диний экстремистик оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олишда алоҳида фаоллик кўрсатишяпти.

Акрамқул ака Саматов республика ИИБ Академиясини тугатгач, Сирдарё вилояти ИИБда турли лавозимларда хизмат қилиб, подполковник унвонида нафақага чиқди. Бироқ у бекор ўтирмади. Маҳалладошлари уни бир овоздан фуқаролар йиғини раислигига сайладилар. 2850 нафар аҳолига эга маҳалланинг фаровонли-

ги, тинчлигига бугун у жавобгар. Акрамқул ака Гулистон шаҳридаги 7-милияция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Умид Сувоқилова осойишталикни сақлашга яқиндан ёрдам бермоқда.

Истеъфодаги полковник Ниетбой Юсупов шаҳар, туман ИИБларида терговчи, катта терговчи, Қўнғирот тумани, Жаслик қўрғони ИИБ бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган. Ҳозирда у 4163 нафар аҳолига эга бўлган Хўжайли туманидаги 1-маҳаллага раҳбарлик қилиб, ҳудудда жиноятчилик, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик учун қатор амалий ишларни бажармоқда. Профилактика инспектори, лейтенант Фаррух Омонов уни ўз устозидек эъзозлар экан, ҳамини йўл-йўриқ, маслаҳатига қулоқ тутди.

Ички ишлар идораларида 29 йил сидқидилдан меҳнат қилиб, майор унвонида нафақага чиққан Пайзулла Саъдуллаев ўз ишининг устаси. Айна пайтда у

Жиззах вилояти Бахмал тумани «Аламли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида хурмат-эътибор қозонапти. Тўрт мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган бу ҳудудда шу йилнинг 10 ойи мобайнида жиноятлар ва оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмади. У профилактика инспектори, капитан Н. Абдурахмонов ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ҳудуддаги жиноят содир этишга мойил шахслар ўртасида мунтазам профилактик талбирлар ўтказиб келаяпти.

— Пайзулла аканинг ички ишлар идораларида орттирган тажрибаси ҳар бир ишда қўл келмоқда, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Бибигул Маматова. — Бу ҳаттоки маиший муаммоларни ҳал этишда жуда билинади. Уларнинг у ёки бу масалада ҳуқуқий жиҳатдан асосли фикрлари, қонунда кўзда тутилган чоралар ҳақида тўлиқ маълумот беришлари фуқароларимизнинг тўғри йўл тутишларида муҳим омил бўляпти.


Ички ишлар идораларида меҳнат қилиб, малака орттириб, айна пайтда жамоат ташкилотларини

бошқараётган собиқ ички ишлар ходимлари хизматидан нафақат фуқаролар, балки ўша ҳудуд шаҳар-туман ИИБлари раҳбарияти ҳам мамнун. Негаки, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган «Тун», «Тозалаш», «Анти-террор», «Қоратор», «Арсенал» каби кўплаб тезкор талбирлар самарали ўтишида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Яна бир томони, фахрийлар ишни қандай ва нимадан бошлаш, у ёки бу ҳолатда қандай йўл тутишни яхши билишади. Ёш, тажрибасиз профилактика инспекторларига зарур йўл-йўриқлар бера олишади.

Таҳлиллардан шу нарса маълум бўладики, ички ишлар идораларидаги хизматнинг машаққати, заҳматининг тортган, эл-юрт тинчлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда тобланган ходимларга ишониб топширилган маҳалла ҳудудларида осойишталик ҳукмрон. Маҳаллалар тинч, фуқаролар хотиржам. Ҳар бир фуқаро истаган пайтда улардан нафақат ҳуқуқий маслаҳат, балки, вужудга келган муаммоларини ҳал этишда ҳам кўмак олишаётир.

Маҳалла тинчлиги юртимиз равнақи, юксалиши билан узвий боғлиқлигини англаган бу инсонларнинг сазой-ҳаракатлари бесамар кетмайди. Халқ ишончи уларга берилган энг олий баҳодир.

М. МИНАВАРОВА.



Миробод тумани «Темирйўлчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги полковник М. Абутовни (унда) аҳоли жуда хурмат қилади.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Жорий йилнинг 10 ноябридан республикамиз миқёсида бошланган «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» самарали ўтиши учун соҳа ходимлари катта тайёргарлик кўришди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 апрелдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларининг 2006-2007 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар томонидан газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, бу тизимдаги ҳар қандай қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди.

Республика Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» давлат акциядорлик компаниялари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига кўра вилоятлар ёнгин хавфсизлиги бошқармаларига тегишли кўрсатмалар берилди. Ойликни самарали ўтказиш мақсадида давлат ёнгин назорати идоралари билан ҳамкорлик қилувчи бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари газ ва электр тармоқлари идоралари, ҳокимлик ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари билан иборат икки юздан ортиқ гуруҳ тузилиб, уларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мазкур гуруҳлар ойликнинг дастлабки ўн кунлигида республика бўйича 12670 маротаба рейд ўтказиб, яқка тартибда қурилган ва кўп қаватли уйларнинг ёнгинга қарши ҳолати, қишга тайёргарлик даражасини назоратдан ўтказишди. Шунингдек, 20 мингга яқин корхона ва ташкилотлар, 700 мингга яқин фуқаролар турар жойлари текшириб чиқилди.

Албатта, мазкур текширувлар ва аҳоли билан ўтказилган суҳбатлар ўз натижасини берди. Бу, аввало, корхона ва ташкилот-

риш автомобилларининг ҳаракатланишига халақит берувчи 1166 та сунъий тўсиқлар олиб ташланди, 190 тадан



лар, ишлаб чиқариш тармоқлари, қолаверса, аҳоли турар жойларида яққол кўзга ташлана бошлади. Бошқача айтганда, давлат ёнгин назорати ходимларининг талабчанлиги туфайли фуқароларимиздаги масъулият ҳисси ошди.

Шаҳарлар, мавзелар, айниқса, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар ҳовлиларидаги ёнгин ўчи-

ртиқ ноқонуний қурилишлар бузилди.

Ёнгинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларига тўғри келишини инobatга олган соҳа ходимлари шу кунларда маҳаллаларда учрашувлар ташкил этишяпти. Ушбу тадбирларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, меъёр талабларига жавоб бермайдиган иситиш ус-



куналарининг ишлатилиши қандай фожиалар келтириб чиқариши мумкинлигини жойларда ёнгинларга олиб келган ашёвий далилларни кўрсатган ҳолда тушунтириляпти.

Бундан ташқари, ёнгин хавфсизлигини тарғиб қилувчи, плакат ва эслатмалар билан безатилган 9 мингдан зиёд ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар 44 мартаба Меҳрибонлик уйларида, 3526 мартаба болалар боғчаларида, 4438 мартаба мактабларда, 145 мартаба махсус мактаб-интернатларда, 957 мартаба олий ўқув юрларида, 3269 мартаба даволаш муассасаларида ҳамда кенг омма орасида ёнгин ўчириш махсус техникалар, ёнгинга олиб келувчи ашёвий далиллар, кўргазмали стендлардан фойдаланиб, учрашувлар уюштирилди. Ёнгин ёки фавқулодда ҳолатлар юзага келганда болалар, беморлар ва ишчи-хизматчилар билан

ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, бундай вазиятларда тезкор ҳаракатланиш, эвакуация қилиш машғулотлари ҳам ўтказилиб борилмоқда.

Ана шундай тадбирлар натижаси ўлароқ, сўнгги беш йил давомида ёнгинлар сони 950 тага, фуқароларнинг ёнгин туфайли тан жароҳати олиши 148 тага, ҳалок бўлганлар эса 32 тага камайишига эришилди. Қўнғилсиз ҳодисалар камайиб боришида шунингдек, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, газ, электр идоралари ҳамда бошқа дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам катта аҳамият касб этаяпти.

Маълумки, совуқ кунлар бошланиши билан аҳолининг кенг қатлами, айниқса, корхона ва ташкилотларда газ истеъмолига бўлган эҳтиёж ошади. Ана шу даврда ҳар бири киши газ ёқилгисидан белгиланган меъёр ва қоидаларга мувофиқ фойдаланиши лозим. Иситиш печларининг техник талабга жа-

Ўғилчали бўлган кун Саида ўзини жуда бахтли сезди, жигарбандига қараб тўймасди. Шу гўдаги учун ҳам эрининг камситишига чидаб келаётган келин бир куни Икромнинг ошхонада туриб онасига бақираётганини эшитиб қолди. Ичиб келган эри: «Сиз келин қилгансиз шу етимчани, энди ўзингиз йўқотинг кўзимдан», дерди. Саида турган жойида қанча қотиб турди билмайди. Бир маҳал кўзи қизариб кетган Икром кўлида биғиллаб йиғлаётган чақалоқни кўтариб келаётганини кўриб, қўрқиб кетди.

— Ол болангни, сен билан

Аммо моддий аҳволи тобора қийинлашар, шундай пайтларда ўқишни битиролмагани жуда олам қиларди. Ҳадеб пул сўрашга отасидан ийманар, тўғрироғи, унинг хотини олдида айбдор одамдек мулзам бўлиб туришини истамасди. Ўғлини боғчага бергач, иш излаганлари, муғомбирона таклифлар, шарҳларни ўйлар экан, додлаб юборгиси келарди. Аммо осмон олис, ер қаттиқ, деганлари рост экан. Саида оғир дамларда сабр билан чидади. Амаллаб тикувчилик цехига ишга киргач, ҳар ҳолда тирикчилиги ўта бошлади.

Ҳозир эса тўрт ёшга ҳам кирмаган боласининг оғриб ётгани дунёни кўзига қоронғу кўрсатмоқда. У нажот излаб қаерга боришини билмасди. Ҳеч бўлмаганда онасининг қабрини зиёрат қилиб, дардини бироз енгиллаштириш учун қабристон томон йўл олди. Бу

нинг давоси бор. Мен болаларимнинг ҳаммасини уйли-жойли қилганман. Истасанг сени ҳам фарзандимдай кўраман».

Саида юзларидан нур ёғилиб турган отахоннинг сўзлари самимий эканлигига ишонч ҳосил қилгач, бошидан ўтган воқеаларни гапириб берди. Отахон ҳам кўшни тумандан бир дўстининг қабрини зиёрат қилиш учун бу ерга келган экан. Кўнгли бўшашиб кетган қария Саидани хонадонига олиб келиб, умр йўлдоши Ханифа ая билан таништирди.

Саида деярли бир ой касалхонада ётган ўғли соғайиб кетгач, уни уйга олиб кетар экан, оғир дамларида қўллаб-қувватлаб турган инсонларга чин юракдан раҳмат айтарди. Атрофида шундай яхши инсонлар борлиги учун шуқур қилди.

Умида БОЛЛИЕВА.

ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Оғуфурушлар одатда таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қишлоқда, дала четлари, овлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ерларда ўстиришади. Шунинг учун уларни қидириб топши мақсадидан ҳам фойдаланилади. Бироқ шаҳар ўртасида жойлашган хонадон ҳовлисида оғу ўсимлиги ўстирилганига нима дейсиз?

Пойтахтнинг шимолий қисмида жойлашган хонадонлардан бирида яшовчи Амир Ботиров гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган. Заҳри қотил деганлари арзон эмас, албатта. Шунинг учун Амир ҳовлидаги ток тагига эрта баҳорда наша уруғини сепиб кўяди. Бир неча туп ўсимлик униб чиққач, кўрқиб кетиб, икки-уч донасини қолдиради ва қолганини юлиб ташлайди. Биров билиб қолмаслиги учун доим унга кўз-қулоқ, эшиги тамбаланган. Нотанишлар эмас, ҳатто яқинларини ҳам иложи бўлса, йўлакдан нарига ўтказмасликка ҳаракат қилади.

Ёз кунларининг бирида наманганлик Умидбек Имомов шу маҳаллада асал сотиб юриб, Амирга йўлиқади. Ўша кунлари Амир уйда жанжал кўтаргани учун хотини болала-

рини олиб онасиникига кетиб қолганди. Бошпанасининг тайини йўқ Умидбек шаҳарда бирор савобталаб хонадондан умидвор бўлиб, бир киши сиққудек жой берармикин деб юрганди. Амирнинг хувиллаб ётган хонадонини кўриб, кўнгли ёришади. Жуда бўлмаса 5-10 кун яшаб туришига рўхсат берар деган умидда Амирнинг кўнглига қўл солади. Бу пайтда Амир ҳовлидаги нашанинг авжидан кўнгли кўтарилиб, ширин хаёллар сураётганди, рози бўлади ва отасидан қолган эски хужрадан жой беради.

Оёқ-қўли чаққонгина Умидбек ҳовлининг уёқ-бу ёғини тозалаб, озгина саришталик бағишлайди. Тез орада Амир билан ака-укадай бўлиб кетади. Бир куни у тоқларни тартибга келтирмоқчи бўлганда кўзи нашага тушади. Буни сезган Амир касаллигини айтиб, бунга рўхсат олганман, дея уни аллайди. Шу кундан бошлаб Умиднинг хаёлини наша банд этди. Тўғрида, қачонгача шакар аралаштирилган асални сотиб юради. Бирорта банги ёки оғуфурушни топса, яхшигина пул

ишлаб олади. Ана шу хаёллар унга тинчлик бермасди. Бир куни асал сотиб юрганида эски таниши Чорини учратиб қолади. Гап айланиб кўкнор, нашага бориб тақалганда Чори унга бир танишим бор сотиб олиши мумкин, дейди. Аслида эса ўзи арзон гаровга олиб қимматроққа пулламоқчи бўлади. Умидбек иккови гапни бир жойга қўйиб ажралишади.

Чори деганлари жиноят қилишга мойил бўлганлар рўйхатида турадиган, ички ишлар назоратидаги йигит эди. Кейинги пайтларда қадам олиши шубҳалироқ бўлиб қолгани учун доимий кузатувга олинган.

Умидбек Имомов нашанинг етилганини билиб, Амир йўқлигида ўриб кетмоқчи бўлди. Аксига олиб Амир ҳам ҳадеганда уйдан чиқавермайди. Бир куни асал сотиб келса, наша йўқолибди. Кўрқиб кетган Умид Амирни қидирди. У чордоқда эди. Олдига чиқса, оғуни авайлаб ёйиб қўяётган экан. Яна ёввойи нашалар ҳам бор эди.

Энди Умид росмана пайт пойлай бошлади. Амир эса ундан шубҳаланмасди. Юмшоқ табиатли, нима деса

хўп деб, айтган ишига кўнадиган йигит унга ёқиб қолганди.

Орадан уч кунлар ўтиб Амирнинг эшиги тақиллади. Чиқиб қараса ички ишлар ходимлари, уларнинг ёнида Умид ҳам бор, бош эгиб турибди. Нима гаплигини англаёлмай турган Амир яна бир нотаниш йигитнинг кўлидаги қопни ва ундаги нашани кўриб ранги ўчиб кетади.

Воқеа бундай бўлган эди. Ўша куни Умидбек икки шиша ароқ олиб келади ва тушликка палов дамлайди. Маишатга суяги йўқ Амир роса ичади. Умид учун шу керак эди. Мастликдан қотиб ухлаганда қуритиб қўйилган нашаларни қопга солиб, Чорининг олдига чопади. Пана жойда бу эски ошналар оғуни савдолашиб турганларида Чорини кузатиб юрган ички ишлар бўлими ходимлари айна пул санаб бераётганида қўлга олишади.

Айримлар дори-дармон учун хонадонда бир-икки туп гиёҳванд моддали ўсимлик ўстириш мумкин деган хом хаёлга боришади. Оғунинг бир миқсоли ҳам, бир ботмони ҳам заҳри қотил бўлиб, инсон ҳаёти учун хавфлидир. Шунинг учун унинг бир тупини ҳам ўстириш таъқиқланади. Қонун эса ҳамма учун баробар. Хонадонда наша ўстирган ҳам, уни ўғирлаб сотмоқчи бўлган ҳам тегишли жазога тортилди.

Бахтиёр БОБОЖОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи.

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

Хушовоз хонанда Аслиддин Дўстов ўзининг дилтортар кўшиқлари билан мухлислар эътиборини қозониб келмоқда. Унинг “Кетма ёнимдан”, “Ғанимат”, “Оҳ ураман...” ва “Мендан ранжиманг” каби тароналари аллақачон тингловчиларнинг кўнгил мулкига айланган.

кўшиқларини ҳиргойи қилиб, ўшатиб айтишга ҳаракат қилардим.

— **Ўзбек кўшиқчилигининг ривожига ҳақида фикрингиз.**

— Кўшиқчилигимизда кўпроқ эстрада йўналиши олдинга тезроқ силжиётгандай сезилади. Бу жанрда турфа кўшиқлар яра-

боролмайман, театрда концерт олиб боришим керак, ўзларинг бир амалламасанглар бўлмайди, деб илтимос қилдилар. Ноилож, ўзимиз кетдик.

Борган жойимизда эрталаб ош берилиб, кейин саҳна томонга ўтиб концерт тингла наркан. Биз ашула айтиб турган эдик. Яна

«САНЪАТКОРНИ КАМТАРЛИК УЛУҒЛАЙДИ»

— **Аслиддин ака, аввало, нима учун кўшиқчиликка ошно эканлигингизга тўхталиб ўтсангиз.**

— Мен санъаткор оиласида туғилиб, вояга етганман. Отам Фазлиддин Дўстов ажойиб овозга эга хонанда бўлиб, ҳозир кексалик гаштини сурмоқдалар. Баъзида янги кўшиқларимдан кўнглим тўлмаса, кимнингдир фикрига муҳтожлик сезсам, отамдан маслаҳат сўрайман. Бундан ташқари, қайнотам Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Йўлдошев ҳам менга устоз даражасида. Умуман, бизнинг оиламизни санъаткорлар оиласи деса бўлади. Чунки мендан бошқа опа-укаларим катта саҳнага чиқмаган бўлишсада, барчасининг ўзига хос овози, қобилияти бор. Оилавий йиғилишларимиз концертга айланиб кетади. Кимга қандай билмадим, менимча, лирик кўшиқлар ҳар бир даврага нур, одамлар қалбига завқ шавқ олиб келади.

— **Мана шундай “оилавий концерт”ларда қатнашаётган фарзандларингиз ҳам сизнинг йўлингизни давом эттиришни исташаётгандир?**

— Яқинда “Ўзбекистон” телерадиоканалида ўғлим Суннатиланинг “Ватан” деб номланган илк кўшигининг премьераси бўлиб ўтди. У ҳаракат қилиб, шоир Мухтор Комил шеърига мусиқа басталаб, шу таронани яратди. Ўзида интилиш бўлгандан кейин, уни қўллаб-қувватлаш, қўлидан етаклаб катта

саҳнага олиб чиқиш ота сифатида менинг бурчим. Қизим Хонзодабегимга келсак, Яратган унга чинакам истеъдод берган. Исталган актёрга тақлид қилиб, айнан ўзидек ижро қила олади, яхши овози бор. Мен эса қизимнинг шифокор бўлишини истай-

тилмоқда. Лекин миллий оҳангдаги, мумтоз кўшиқларимиз камайиб кетди.

— **Нима учун? Ёки тингловчи енгил фикрларини хуш кўраётими?**

Мумтоз кўшиқни ҳар ким ҳам айтолмайди. У санъатимизнинг гултожи. Тўғри, эстра-

бир бошқа гуруҳ келиб қолди. Қизиги, машинада бизнинг суҳандон акамик ҳам ўтирарди. Бизни кўриб машинадан тушолмай қолди. Микрофондан кўшиқ ўрнига гуруҳимиз аъзоларининг кулгуси эшитилди. Маълум бўлишича, у киши ҳам шу тўйга айтилган экан.

— **Спортга муносабатингиз? Унинг бирор тури билан шугулланасизми?**

— Ҳа албатта, югуришни яхши кўраман. Боксни томоша қилиб зерикмайман.

— **Инсонлардаги қайси фазилатларни қадрайсиз?**

— Камтарликни. Бу ҳислат, айниқса, санъаткорлар учун зарур. Халқ сени улуғлаб, санъатинг қадрига етса-ю, сен

эса манманликни, такаббурликни ўзингга расм қилиб олсанг, узоққа боролмайсан, ижодинг камолга етмай сўлади. Манманлик санъаткорнинг истеъдодини емирадиган иллат деб биламан.

— **Мухлисларингизга қандай тилакларингиз бор?**

— Барчага сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, бахту-саодат ва хотиржамлик тилайман. Юртдошларимизнинг хонадониди тўй-тантаналар аримасин. Биз куй-кўшиқларимиз билан хизматда бўлаверайлик.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Лазизжон БАҲРАНОВ суҳбатлашди.



ман. Ҳали ёш, балки фикри ўзгарар. Лекин санъатга меҳри жуда кучли. Онаси — рафикам Хуршидахон ўзим санъат соҳасини давом эттиролмадим, ҳеч бўлмаса қизимиз санъаткор бўлсин, деб орзу қилади. Халқимиз санъаткорларни хурмат қилади, уларга ҳавас билан қарайди. Санъаткор бўлиш шараф, лекин машаққатли. Қиз болага огирлик қилади, деб ўйлайман.

— **Қайси машҳур санъаткорларнинг кўшиқларини яхши кўриб тинглагансиз? Кимлардан руҳлангансиз?**

— Ёшлигимда хоразмлик устоз санъаткорларнинг кўшиқларини кўп эшитардим. Шунингдек, Шерали Жўраевнинг ижросини жон қулоғим билан тинглардим. Уларнинг

данинг ҳам ўз афзалликлари, дарди бор. Лекин мумтоз йўналишдаги кўшиқлар эстрада кўшиқларидан устун туради. Шунинг учун мумтоз кўшиқларни куйлаш, уларнинг туб моҳиятига етиш, авж пардаларига чиқиш, ҳатто онгли равишда тинглаш ҳам қийин.

— **Ҳаётингизда кейинчалик эслаб қулиб юрадиган воқеа бўлганми?**

— Бўлган. Бир кун Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманига тўйга боришимиз керак эди. Гуруҳимиз суҳандони театрда ишлайдилар, таниқли инсон. У киши Қашқадарёга

Азиз муштарийлар!

Газетамизнинг ушбу саҳифасида яна қайси таниқли инсонлар билан суҳбат уюштиришимизни истар эдингиз? Мактуб ва кўнгиноқларингизни кутамиз.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

ИФТИХОР

*Юксак орзуларим туғилган маскан,
Борлигинг — толеим, номинг — гурурим.
Ҳар озод кўнгилда жўш урар бугун
Истиқлол шукуҳи, хурлик сурури.*

*Сен онамсан, Ватан, бағрингга босиб,
Пешонамдан ўлиб, бахт этган инъом.
Кўнглимни тоғ каби кўтарар бир сўз —
Ватан абадийдир, хурлик бардавом.*

*Сен борсан, ҳамisha ёруғдир йўлим,
Ўзбекистон, номинг абад дилларда.
Мақсадга элтгучи йўлчи юлдузим,
Мангу яша дoston бўлиб тилларда.*

*Мен ҳам бир ўғлингман, бисёр ниятим,
Доим кўнглимдасан, доим сандаман.
Сен деб куйиб-ёймоқ олий мақсадим,
Сен деб фидо бўлсам, бахтлиман Ватан!*

Неъматжон ИБРОҲИМОВ,
ички ишлар фахрийси.

МЕҲРИ ДАРЁ ЭЛНИНГ ПОСБОН ЎҒЛИМАН

*Шеърга меҳр кўйдим — илҳомим тошди,
Халқим, дедим — эда хурматим ошди,
Оғир дамда бўлдим сабр-бардошли,
Одобим умримга ойдек ярашди,
Рухимга, жисмимга жондек ўрнашди.*

*Жилга эдим, дарё бўлиб оқдим мен,
Ниҳол эдим, чинор бўлиб ўсдим мен,
Бахт қасрининг калитини топдим мен,
Шоирлик умримга ойдек ярашди,
Юрак томиримга қондек ўрнашди.*

*Муҳаббат, садоқат — иккиси бирга,
Ҳаётим йўлини тўлдирди нурга,
Мен кўнгил кўймадим жавоҳир, дурга,
Камтарлик умримга ойдек ярашди,
Онам алла айтган ондек ўрнашди.*

*Ватан ишқи билан қалби чўғлиман,
Меҳри дарё элнинг посбон ўғлиман,
Бахтимдан ўргилай худойим берган,
Бу дамлар умримга ойдек ярашди,
Ватаним тахтига хондек ўрнашди.*

*Отамдир, онамдир меҳрибон халқим,
Оғамдир, инимдир меҳрибон халқим,
Фарзандингман сенинг, жонажон халқим,
Шеърим юрт мадҳига шондек ярашди,
Халқим хирмонига дондек ўрнашди.*

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.

Ҳаёт фалсафаси

Улкан денгиз қанчалик тўлиб-тошса ҳам кичик дарё сувига муҳтож.

Ёлгон харсанги қанчалик улкан бўлмасин, адолат болгаси уни майдалаб ташлайверади.

Аёлниг боши кўкка етиши учун эракнинг қўли гулга етиши керак.

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳиллашни билмаганнинг бурнига санчилади.

Адолат қиличи кескир, лекин оғритмайди.

Тошнинг қумга айланиши учун бир дақиқа кифоя, аммо қумнинг тошга айланиши учун асрлар керак бўлади.

Бирга кулган одамни унуттиш мумкин, лекин бирга йиғлаган одамни унуттиб бўлмас...

Икки дўст бир қарич ерга сиғиши мумкин, лекин икки душман бутун ер юзига сиғмайди.

Қиз кўзига қора сурма суриши учун йигит кўзига Ватан тупроғини суриши керак.

Тузатса бўладиган хатони тузатмаслик, тузатиб бўлмас хатога бошлайди.

Чанқоқни улкан океан эмас, жажжи булоқ қондиради.

Инсон умри мисоли сувдаги ой акси: омонат, омонат...

Ҳаёт хайрли ишлар учун берилган, гайрли ишлар учун эмас.

Эркин САТТОРОВ.

Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкентнинг маърифатли бир хонадониди туғилиб, исмига муносиб бўлиб ўсди. Хужжатлардан унинг Шайхонтохур даҳа, Дархон маҳалласида туғилиб ўсгани маълум бўлади. Отаси Абдурашидхон мударрис, онаси Хосиятхон отин бўлган. Мунаввар онаси қўлида савод чиқарган.

Дастлаб, Тошкентда Юнусхон мадрасасида, сўнг Бухорода ўқиган. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида жадиждарга қўшилиб, 1901 йилда Тошкентда биринчилардан бўлиб «усули жаид» мактабини очди. Бу мактаблар учун «Адиби аввал», «Адиби соний» каби алифбо ва хрестоматиялар, «Тавжид алқуръон» («Қуръон қироати»), «Ер юзи» («География») сингари қўлланмалар тузиб, нашр этади. Бу дарсликлар 1901-1917 йиллар оралигида энг ками 2-3, кўпи 9-10 мартагача алоҳида-алоҳида ҳолда нашр этилган.

Ўзбек матбуотининг майдонга келишида Мунавварқорининг хизматлари катта

МУНАВВАРҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ

(1878 – 1931)

бўлди. У ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намунаси — 1906 йилда чиққан «Тараққий» газетасининг ташкилотчиларидан ва муаллифларидан эди. Ўша йили Мунавварқорининг ўзи «Хуршид» газетасини чиқарди.

Умуман ўзбек матбуотининг майдонга келишини ҳам, тарихий тараққиётини ҳам Мунавварқорисиз, унинг юзлаб

қўтарилишининг энг эътиборли намояндаларидандир.

Мунавварқори гарчи театр асари ёзмаган бўлса-да, Туркистондаги театрчилик ишларининг йўлга қўйилишида ҳам Абдулла Авлоний ёнида турди. 1913 йилда тузилган «Турон» жамияти низомида театрчилик ишлари алоҳида таъкидлангани, унинг заминида «Театр ҳаваскорлари труппаси» таш-

кил топгани бежиз эмас. 1914 йилнинг 27 февралда Тошкентда мана шу труппа томонидан «Падаркуш» драмаси биринчи маротаба сахнага

қўйилади. Томоша олдида Мунавварқори театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлайди. Матбуот бу кунни «Тарихий кун» деб эълон қилади.

Мунавварқори миллат тарихида биринчи навбатда жамоат ва сиёсий арбоб сифатида қолди. У ўтган асрнинг 90-йиллари охиридан умрининг сўнгигача миллат ва Ватан равнақи, озодлиги йўлида кураш олиб борди.

У илк бор 1921 йил қамоққа олинади. Тўғри, у 1917 йилнинг октябридан кейин ўзининг шўроларга қарши курашини яширин равишда давом эттирган. Бунининг қўлзма ҳолида қолган хотиралари очик-ойдин кўрсатади. Жумладан, «Иттиҳод ва тараққий» жамиятида қатнашгани, жамият совет даврида ҳам фаолият кўрсатгани маълум бўлади. Бироқ кўп ўтмай Мунавварқори қамоқдан чиқарилади ва яна ўқитувчилик қила бошлайди.

Иккинчи маротаба Мунавварқорини 1929 йилда қамоққа олдилар. Унга миллатчилик айби қўйилди ва 1931 йилда халқ душмани сифатида отиб ташланди.

Мунавварқорининг номи истиқлол йилларигача душман сифатида қораланиб келинди. Унинг тарихимиз, маданиятимиз ривожидидаги хизматларини ўрганиш ва тақдирлаш ишлари ҳаммаси олдинда турибди.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҲЙ.
Ушбу ҳафтада ҳаётингизда қувончли воқеалар рўй беради. Қариндошлар билан ришталарни мустаҳкамлашингиз зарур. Дўстларингиздан бирортаси ёрдам сўраб мурожаат қилса қўллаб-қувватланг.

СИГИР.
Муҳаббат бобида муваффақиятларга эришасиз. Чўнгатингиздаги маблаг ва куч-қувватингизни ўз манфаатингиз йўлида сарфлаганингиз маъқул. Сизни худбинликда айблашса ҳам ўзингизни босик тутиб, иш кўришингиз мақсадга мувофиқдир.

ЭГИЗАКЛАР.
Янги шериклар билан ҳамкорлик қилиш имконияти бор. Асосий вақтингизни кундалик юмушларни бажаришга сарфланг. Атрофингиздаги одамларга ортиқча ишонмасликни маслаҳат берамиз.

ҚИСҚИЧБАҚА.
Сафарларга бориш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун қулай даврдир. Ҳафтанинг охирида ишлардан ҳоли қолиб, бироз ҳордиқ чиқаринг. Яқшанба кунни дўстлар даврасида вақтингизни мазмунли ўтказишингиз мумкин.

АРСЛОН.
Меҳнатга чанқоқ ва кузатувчанлигингиз кўплаб кашфиётлар қилишингизга олиб келади. Бирор масала юзасидан хулоса чиқаришга шошилманг. Яқин дўстингиз билан бамаслаҳат иш кўришингиз мақсадга мувофиқдир.

БОШОҚ.
Ўзингиз ва жамоа аъзолари билан боғлиқ ишларда фаол иштирок этишингиз зарур. Ҳақ эканлигингизни осонгина исботлашга муваффақ бўласиз. Эски кадрдонлар билан муносабатларингиз яхшиланади.

ТАРОЗИ.
Яқин кунларда ажойиб совғалар оласиз. Ҳаётингизда бахтли воқеалар рўй беради. Ҳар қандай вазият юзага келмасин юрагингизга қулоқ тутиб иш кўринг.

ЧАЁН.
Янги ишда кучингизни синаб кўрасиз. Юрагингиздаги муҳаббат ўтини тан олинг, яқин кишингиз билан дўст бўлишга онт ичинг. Юлдузлар сизни қўллаб-қувватлайди.

ЁЙ.
Амалий шериклар билан дўстона муносабатларни давом эттиринг. Шу тариха ўзингиз истаган нарсаларга эришингиз мумкин. Яқшанба кунни ота-онангизни бориб кўришни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Бажарётган ишингизда унум бўлади. Саъй-ҳаракатларингиз наф келтириши учун бор имкониятларни ишга солинг. Муҳими, рўй бераётган воқеаларни назорат қилиб боришингиз зарур. Вазиятга қараб иш кўришингиз мақсадга мувофиқдир.

ҚОВҒА.
Ушбу ҳафтада ташаббус кўрсатиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол эканлигингизни намойн этасиз. Ҳис-туйғуларингизни севган кишингиз билан бўлишинг.

БАЛИҚ.
Кўтаринки кайфият ва қасб маҳоратингиз туфайли кўзлаган барча режаларингиз осонгина амалга ошади. Олдиндан ҳеч кимга ваъда берманг. Яқинларингизга кўмаклашиб, бир олам завқ оласиз.

ҲУҚУҚИЙ-МАСЛАҲАТХОНА

? Мен икки йилдан буён сафдорман. ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига ўқишга кириш ниятим бор. Олий маълумотим бўлмаса-да, ички ишлар идорасида ишлаётганим учун мени ўқишга қабул қилишадими?
Ғ. НУРМАТОВ,
Сариосиё тумани.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруғига кўра, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига ўқишга ички ишлар идораларида уч йилдан ортиқ ишлаган, олий ёки ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинади.

? Яқинда ўлим кўчани югуриб кесиб ўтаётган йўловчини машинада уриб кетди. У жиддий жароҳат олди. Ўлимга қандай жазо қўлланилади? Йўл-транспорт ҳодисасига жабрланувчининг ўзи сабабчи бўлгани ҳисобга олинадими?
Т. РАУПОВ,
Тошкент шаҳри.

! Агар йўловчининг жароҳати суд-тиббиёт експертизасининг хулосасига кўра ўртача оғирликда ёки оғир тан жароҳати деб қайд этилса, ўғлингиз амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Йўл-транспорт ҳодисасида йўловчининг ҳам айби бўлса, бу ҳолат тергов ёки суд жараёнида инобатга олинади.

? Яқинда мен бошқарётган автомашинани ЙПХ ходими тўхтатиб, ойнаси қорайтирилгани учун баённома тўлдириб, жарима майдонига олиб борди. ЙПХ ходимининг ҳаракати тўғрими?
Ҳ. ФАРМОНОВ,
талаба.

? Бирор пожўя иш қилган шахсга нисбатан эълон қилинган қидирув неча йилда ўз кучини йўқотиши мумкин?
К. КОМИЛОВ,
Самарқанд вилояти.

! Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББ томонидан берилган маълумотга кўра, бедарак йўқолган шахслар ва шахси аниқланмаган мурдаларни қидириш муддати 5 йилгача белгиланган. Жиноят содир этиб, қидирувда бўлган шахсларни қидирув шу жиноят иши бўйича ҳал этувчи қарор қабул қилингунча давом этади.

? Фарзандлари тарбиясига эътиборсизлик қилиб, уларнинг ҳуқуқига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарга нисбатан қандай чора кўрилади?
Н. ВАЛИЕВА,
Тошкент тумани,
Келес шаҳри.

! Фарзандлари тарбиясига эътиборсизлик қилаётган ёки уларга салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарга нисбатан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) билан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

! Республика ИИВ ЙҲХББ томонидан берилган маълумотга кўра агар сиз бошқарган транспорт воситасининг ойнаси давлат стандартларида белгилаб қўйилган меъёрлар талабларидан ошган бўлса, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 126-моддаси (Кўзусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш) билан маъмурий жавобгарликка тортиласиз.

Саволларга юридик фанлар номзоди **Ғ. АЛИМОВ** жавоб берди.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ томонидан 1947 йилда туғилган **Слава Владимировна КАНТАРОВИЧ** фирибгарлик жинояти содир этиб терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда. Сирғали тумани Қўйлик-7 мавзеси 8-уй 65-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгин гавдали, юзи чўзиқроқ, сочларига оқ оралаган, бўяб олиши мумкин, қошлари ва лаби ингичка.

С. А. Кантаровични кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёки Сирғали тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 57-77-56, 58-02-42, 58-05-42.



САЛОМАТЛИК

ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ, СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ!

Сигарета чекиш инсон саломатлигига зарарли экани ҳақида кўп марта такрорланса-да, чекувчилар сони камаймаяпти. Аммо иродали кишилар кашандаликдан қутулиб, саломатликларини сақлаб қолаётганларини айтиб ўтиш жоиз.

Чекиш билан курашишда энг ишончли самара, бу албатта — хошиш, истакдир. Хуморга қарши курашиш келажакда қайта сигаретага ружу (рецидив)нинг олдини олади. Сизни сигарет чекишда асосан нима қизиқтиради, чекиш қандай ижобий хислатлар беришини ўзингизда аниқланг, сўнгра эса чекмасдан ижобий кайфиятга эришишнинг саломатликка зарар етказмайдиган бошқа йўлини топинг. Чекишнинг зарарли оқибатларини ушбу маълумотларда яна бир эслатиб ўтаемиз:

— ҳар йили сигарет чекишдан 400000 одам ёруғ дунёдан кўз юмади;

— ўпка раки кашандаларда, бошқаларга нисбатан, 20 марта кўп учраши кузатилади. Беморларда аниқланган барча ўпка ракиннинг 95 фоизи чекишдан келиб чиққан;

— чекувчиларда юрак касаллиги 13 марта, меъда яра касаллиги 12 марта кўп кузатилади;

— кунига 20-25 дона сигарета чекиш орқали одам организми ўлдирувчи дозани қабул қилади, кун давомида чекканлиги туфайлигина заҳарнинг таъсири сезилмайди, лекин организм заҳарланиб боради;

— никотин хотирага салбий таъсир этади, ирода кучини сусайтиради, кўз нурини хиралаштиради, қариш жараёнини тезлаштиради;

— никотин тана қон томир деворларини зарарлайди, қон айланиш тизимининг бузилишига, гангренага (қора сон) сабаб бўлади, ногиронликка олиб келади;

— никотин тери ва шиллик



қопламларда, тиш эмалида, кўз склерасида ўз изини қолдиради (сарғайиш, бадбўй ҳид, тиш эмалининг емирилиши);

— ҳосил бўлган зарарли модданинг 50 фоизи атроф муҳитга ажралиб, чекмайдиганларни ҳам, ўзлари хоҳламаган ҳолда заҳарлаб боради;

— чекиш умри ўрта ҳисобда 10 йилга қисқартиради.

Тамаки тутунининг зарарловчи таъсири сигаретанинг бевосита организм тўқимасига тегиши билан бошланади. Шунинг учун барча чекувчиларда, қандай ва нима чекишларидан қатъи назар, тил ва оғиз бўшлиғи саратонининг ривожланиш хавфи юқоридир.

Чекиш истагини енгиш мумкинми?

Албатта, бунинг йўллари кўп. Аввало, ўзингизда ирода бўлиши керак. Ҳар доим унинг зарари ҳаёлингизда бўлсин. Хумор тутганда сигарета туфайли касалга чалинганларни кўз олдингизга келтиринг.

Жаҳоннинг кўпгина олимлари никотин мойиллигига қарши

янги-янги даволаш услубларини ишлаб чиқмоқдалар. Даволашни мақсадида турли дорилардан фойдаланинг. Улар қондаги никотин миқдорини меърида сақлаб, жисмоний талабни камайтиради. Тамаки хуморини камайтиришда энг кенг тарқалган воситалардан наклеикали, сақичли, пастилкали, конфетли, ингалятор, спрей кўринишли тамакига қарши воситалардан фойдаланилади.

Чекиш билан боғлиқ одатларни ўзгартириш ҳам фойда беради. Кўпчилик чекиб ўтирадиган кўнгилочар жойларга борманг. Қаҳвахона, ресторанларда чекмайдиганларга яқин ўтиринг. Имкони бўлса хушламайдиган сигаретани сотиб олинг, ундан кўнгилингиз қолади. Ёнингизда гугурт ёки зажигалка бўлмасин, сигарета олиб юрманг. Шундай бўлсинки, сиз бошқалардан сигарета ва гугурт сўрашга мажбур бўлинг. Сигаретани ташлаб, келажакдаги соғлом ва бахтли ҳаётингизни тез-тез ҳаёлингизга келтиринг.

Чекишни ташлаган инсон ҳеч нарсани йўқотмайди, иродангизга ишонинг, ана шунда бу зарарли одатдан халос бўласиз.

Д. ТЎРАНАЗАРОВ,
полковник.

БОКС

ЧАГАЕВ ВАЛУЕВ БИЛАН РИНГГА ЧИҚАДИ

Мамлакатимиз бокс ишқибозлари, умуман ҳамюртларимизнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Бокс оламида «оқ Тайсон» лақабини олган ўғлонимиз Руслан Чагаев WBA йўналиши бўйича оғир вазнлилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Жон Руиз билан рингга чиқиб, уни мағлуб этди. Бу галаба Руслан учун осон кечмади. Америкалик «чарм қўлқоп» устасининг

тажриба ва маҳорати Р. Чагаевдан ортиқ эди. Ҳар бир раундни бокс ишқибозлари зўр ҳаяжон билан кузатиб туришди. Жон Руиз ҳар лаҳзада ҳал қилувчи зарба беришга ҳаракат қилди. Бироқ тўлиқ давом этган 12 раундда Р. Чагаевнинг устунлиги сезилиб турди.

Шундай қилиб, ўтган шанба кунини тунда бутун дунёга ҳамюртимиз Р. Чагаевнинг Ж. Руиз устидан галаба қозонгани ҳақида хабар тарқалди. Энди Руслан олдида янада катта ва муҳим синов турибди. У амалдаги жаҳон чемпиони Николай Валуйев билан рингга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳамюртимизга омад ва галаба ёр бўлишини тилаймиз.

С. АБДУЛЛАЕВ.



ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Ёзёвон туманида полковник Раҳматжон Мирзаев хотирасига бағишлаб ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида кураш бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ҳамда «Динамо» ФСЖ ташаббуси билан турли вазн тоифалари бўйича ўтказилган мазкур мусобақада 17 жамоа иштирок этди.

Кескин баҳслардан сўнг Бувайда тумани ИИБ ходими, сержант Элмурод Султонов, вилоят ИИБ ходими, катта лейтенант Баҳодир Мирзаев, Ёзёвон тумани ИИБ ходимлари — сержант Ўткир Абдурахмонов, Рустам Исмоилов, 10-тергов ҳибсхонаси ходими, капитан Достонбек Юсупов, Кува тумани ИИБ ходими, катта лейтенант Зафар Каримовлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Вилоят ИИБ вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант Баҳодиржон Мирзаев «Энг яхши курашчи» деб тан олинди.

Умумжамоа ҳисобиди биринчи ўринни Ёзёвон тумани ИИБ жамоаси эгаллади. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамда Бағдод тумани ИИБ вакиллари иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолибларга дипломлар, вилоят ИИБ, «Динамо» ФСЖ, Ёзёвон тумани ҳокимлигининг мукофотлари, шунингдек, полковник Раҳматжон Мирзаевнинг оила аъзолари томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

А. СУЛАЙМОНОВ.

КИКБОКСИНГ

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дунёнинг ўттизга яқин давлатларидан келган етти юздан ортиқ спортчи иштирокида кикбоксинг бўйича III жаҳон чемпионати бўлиб ўтган эди. Чемпионатда иштирок этган «Динамо» спорт мажмуасининг етакчи мураббийси Бекназар Ғоипов мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Ўзингизда бўлса, 2003 ҳамда 2004 йилларда спортнинг кикбоксинг ҳамда қўл жанги турлари бўйича Осиё чемпионатида Бекназар ўз вазн тоифасида ғолиблик шохсупасига кўтарилган эди. Устозлари оқ фотиҳасини олган шогирд ҳеч қачон кам бўлмайди деганларидек, уни 17 ёшида спорт оламига етаклаб келган устози қибрайлик Мирзохид Умрзоқов Бекназардаги истеъдод, иштиёқ ва интилишни кўриб, ўз билим ва маҳоратини аямади.

Бекназар ундан спортнинг яқкама яқка жанг турига кирувчи тайбоксе, кикбокс ҳамда қўлжанги турлари сир-синоатларини кунг билан ўрганди. Устозининг «Спортчини рингга фақат ирода кутқариб қолади» деган иборасига амал қилди. Муттасил олиб борилган машғулотлар Бекназарни чиниқтирди, тоблади ҳамда янгидан-янги мусобақаларда қатнашиш иштиёқини туғдирди. У қатор нуфузли беллашувларда кучли рақиблар билан жанг қилди. Улар орасида собиқ жаҳон чемпионлари ҳам бор эди.

— Бундан икки йил аввал

Франциянинг Париж шаҳрида кикбоксинг ва тайбоксинг бўйича жаҳон чемпионати ўтказилган эди, — дейди биз билан суҳбат чоғида Б. Ғоипов. — Ушанда, тўғриси айтсам, Парижга бориш учун имкониятим йўқ эди. — Аллоҳга шукурки, бахтимга ушбу нуфузли чемпионат пойтахтимизда бўлиб ўтди. Мусобақада ҳар бир спортчи-



вом этган жангда иккимиз дуранга эришдик. Ҳакам томонидан қўшимча раундда қўлим баланд келди. Мусобақа якунида эса ҳар бир ғолиб учун ўз она юртининг мадҳияси янгради. Мени қўллаб-қувватлаган оилам, сафдошларим олдида юзим ёруғ бўлганидан ниҳоятда бахтиёр эдим.

Чемпионимизга келажакдаги мақсадларингиз ҳақида ҳам гапириб беринг деганимизда у шундай деди: — Олдимга қўйган мақсадларим кўп. Улардан бири шу йилнинг ноябрь ойида Қозғистон Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон кикбоксинг профессионаллари мусобақасида ғолибликка эришиш.

Иброҳим САИДОВ.

Суратда: кикбоксинг бўйича III жаҳон чемпионати мутлақ ғолиби, ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси ходими «Динамо» спорт мажмуасининг кикбоксинг бўйича етакчи мураббийси Бекназар Ғоипов.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Ҳамидулла МИРПҮЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, майор **С. Тошпўлатов**га падари бузруквори

АБДУҚАҲҲОР отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят бўлим мудири **С. Шамсидинов**га акаси

Оловиддин АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими **С. Қайумова**га отаси

Виктор ПИВОВАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

БИР КУНИ...

Қишлоғимизда Ашраф деган киши яшаб ўтган. Бу киши одамларнинг асабини синаш учун турли афандинамо ишлар қилиб юргани учун Ашраф қитмир деган ном олганди. Ҳаёти қизиқ воқеаларга бой, бундан ўзи ҳам завқланиб юрадиган кишини ҳамқишлоқлар эслаб, кулишиб турамыз. Ана шундай қизиқ воқеалардан айримларини сиз мухлисларга ҳам ҳавола қилишни лозим топдик.

Ўтирди. Энди овқатга қўл узатганда қаердандир аллақандай маҳлуқнинг бўғиқ овози эшитилди. Йигитнинг ранги ўчиб атрофга аланглади. Ҳеч нарса йўқ. Кейин яна овқатга талпинганда, овоз қайтарилди. Унинг устига кароват остида нимадир

КЕЧКИ ОВҚАТ ЁНГА ҚОЛДИ

Ашраф қитмирнинг ота-буваси боғбон ўтган. Ўзи ҳам миришкор бўлган. Бир гектардан ортиқ узумзорни парвариш қиларди. Тоқлар суғориладиган мавсумда боғбонлар ҳатто уйларига кетмай чайлада қолишади. Чунки тепасида турмаса, кимдир келиб сувни бўғиб, ўзи томонга буриб кетиши мумкин.

Ўша куни Ашраф қитмир ҳам кулоқ бошида қолган. Куёш қорайган палла. Уйга бориб келай деса, сувни қизғонади, бормай деса, қорин оч. Ўриндан туриб тоқзорни

айланиб юрганди, қўшни боғбон йигитнинг хотини қўлида тугунча кўтариб эрининг чайласи томон ўтиб қолди. Ашраф қитмирнинг миясига ярқ этиб бир фикр келди...

Жувон кечки овқатни қўйиб, эрини чақирди-да, уйига жўнади. Орадан бироз вақт ўтиб боғбон йигит келди-да, овқатни столга қўйиб, сим каравотга

қимирлаб, бир кўтарилиб қўйди. Йигитнинг тили калимага ҳам келмай, оёғини ерга туширса бир нима бўладигандай каравотдан икки уч кулоқ нарига сакраб тушиб, ура қочди.

Қилган ишидан мамнун Ашраф қитмир эса каравот тагидан чиқиб, овқатни паққос туширди ва яна кулоқ бошига келди...

С. ШАМСИДИНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: азиз газетхонлар, юқоридаги каби ҳаётингизда юз берган ажабтовур воқеаларни бизга ёзиб юборинг. Энг яхши ҳикоя муаллифи махсус соврин билан мукофотланади.

ДЕТЕКТИВ-ТОПШИРИҚ

Муюлишдаги «авария»

Инспектор Людовик машинасида кетаётганда, йўлнинг муюлиш қисмида инграниб ётган кишини кўриб ёрдамга шошилди.

Ҳозиргина машинадан отилиб кетдим... Тойчоғим пастга тушиб, пачоқланиб ётибди. Яхшиямки, суғурта қилдирганман!

Ҳа, бунақанги йўлда кўнгилсиз ҳодисалар бўлиши аниқ, тасалли берди инспектор. Ўзингизга ҳеч нарса қилмадимиз?

Хайриятки, сонпа-соғман. Фақат мен сиздан суғурта тўлови ҳужжатларини расмийлаштириш пайтида гувоҳлик беришингизни сўрайман.

Инспекторда ҳайдовчининг икки гапнинг бирида суғурта

пулидан гап очиши ғалати туюлди. Ҳайдовчини бир синаб кўриш керак!

Омадингиз чошиб, тирик қолибсиз, қаранг, машинангизнинг олди роса пачоқланибди, деди инспектор машинани кўздан кечириб туриб. Дарвоқе, юкхонада нима борлигини кўрсам бўладими?

Агар бу сизни қизиқтираётган бўлса, марҳамат.

Машина юкхонасида бензин идиши, асбоб-анжомлар ва жомадон бор эди, холос.

Мана, айтарли ҳеч нарса йўқ.

Людовик кулимсираганча ҳайдовчига юзланиб деди:

Сал бўлмаса сизнинг ёлғон гапларингизга ишонаёзгандим... Аммо сиз машинадан тушиб, катта миқдордаги суғурта пулига эга бўлиш учун эскигина машинангизни атайлаб пастга итариб юборгансиз. Бунинг учун жавоб беришингизга тўғри келади...

САВОЛ: Нима сабабдан Людовик ҳайдовчининг ўзини ҳийлакорликда айблади?





СТЕРЕО-ТАСВИР

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чаплана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шакли гўзал бир манзарада кўрасиз.

Ўтган сонда берилган стерео-тасвирнинг жавоби



Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билдириш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирақ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат

учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@inbox.uz



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir o'rinbosari Ulug'bek MAMADALIYEV

Mas'ul kotib: Erkin SATTOROV
Navbatchi: Umida Bolliyeva

Sahifalovchi: Zokir Boltayev
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!



MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipaq yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-3048. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq, 55297 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.